

1081/2411 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: اسْتَبَرَ رَجُلًا مِنَ الْمُسْلِمِينَ، وَرَجُلًا مِنَ الْيَهُودِ، قَالَ الْمُسْلِمُ: وَالَّذِي اصْطَفَى مُحَمَّدًا عَلَى الْعَالَمِينَ، فَقَالَ الْيَهُودِيُّ: وَالَّذِي اصْطَفَى مُوسَى عَلَى الْعَالَمِينَ، فَرَفَعَ الْمُسْلِمُ يَدَهُ عِنْدَ ذَلِكَ فَأَطْمَمَ وَجْهَ الْيَهُودِيِّ، فَذَهَبَ الْيَهُودِيُّ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرَهُ بِمَا كَانَ مِنْ أَمْرِهِ وَأَمْرِ الْمُسْلِمِ، فَدَعَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُسْلِمَ، فَسَأَلَهُ عَنْ ذَلِكَ فَأَخْبَرَهُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تُخَيِّرُونِي عَلَى مُوسَى، فَإِنَّ النَّاسَ يَصْنَعُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَأَصْنَعُ مَعَهُمْ، فَأَكُونُ أَوَّلَ مَنْ يُفْيقُ، فَإِذَا مُوسَى بَاطِشٌ جَانِبُ الْعَرْشِ، فَلَا أَدْرِي: أَكَانَ فِيمَنْ صَعِقَ فَأَفَاقَ قَبْلِي، أَوْ كَانَ مِنْ اسْتَنْتَنِ اللَّهِ».

1081.2411. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Икки киши: мусулмонлардан бир киши ва яхудийлардан бир киши бир-бирлари билан сўкишиб қолишиди. Мусулмон: «Муҳаммадни оламлар узра сайлаб олган Зотга қасам!» деди. Яхудий эса: «Мусони оламлар узра сайлаб олган Зотга қасам!» деди. Шу пайт мусулмон қўлини кўтариб, яхудийнинг юзига тарсаки туширди. Яхудий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, ўзи билан мусулмон ўртасида бўлиб ўтган ишни айтиб берди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонни чақириб, бу ҳақда ундан сўраган эдилар, у ҳам (ўшани) айтди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мени Мусодан яхши деб айтманглар.* Зеро, одамлар қиёмат куни беҳуш йиқиладилар, мен ҳам улар билан бирга беҳуш йиқиламан. Шунда биринчи ҳушига келадиган мен бўламан. Қарасам, Мусо Аршининг бир томонини маҳкам тутиб турган бўлади. У ҳам беҳуш йиқилганлардан бўлиб, мендан олдин ўзига келганми ёки Аллоҳ истисно қилганлардан* бўлганми, билмайман»,** дедилар».

* Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тавозе ва камтарлик юзасидан, пайғамбарларнинг барчалари иймону ихлосда, иззат-ҳурматда баробар эканларини Англатиш учун, уларни ўзаро тортишув ва фахрланиш мавзуси қилишнинг олдини олиш мақсадида айтганлар. Аслини олганда,

бошқа ҳадисларда айтилганидек, Мұхаммад алайхиссалом барча пайғамбарлардан афзал эканлари, балки бутун инсониятнинг саййиди, барча махлуқотларнинг энг улуғи эканлари кундек равшан. Барча ақлий ва нақлий далиллар ҳам шуни тақозо қиласы. Қуръони каримда ҳам пайғамбарларнинг бир-бирларидан устунлик ва афзаллуклари борлиги айтилган (Бақара сурасининг 253-ояти). Айрим уламоларимизнинг таъкидлашларича, Пайғамбарамиз Мұхаммад соллаллоху алайхи васалламнинг барча пайғамбарлардан афзал эканларини билиш ва эътироф этиш эътиқодга тааллуқлидир. У зотни бошқа пайғамбарлардан устун қўймаслик ҳақидаги кўрсатма эса амалий ишларга, ўзаро муносабатларга оид ҳисобланади.

* Бу ерда Зумар сурасининг 68-оятидаги маънога ишора бор. Унда Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Ва сурга пуфланди. Осмонлару ерда ким бўлса, беҳуш йиқилди. Аллоҳ хоҳлаганларгина мустасно»**. Ушбу оятда мазкур сур чалинишидан беҳушлик Аллоҳ хоҳлаган зотларга таъсир этмаслиги айтилган. Кўпчилик муфассирлар бу ерда тўрт буюк фаришта ёки Аршли кўтариб турган фаришталар ҳам назарда тутилганини таъкидлашган. Ҳадисда мана шу истисно назарда тутилган.

Манба: hadis.islom.uz

